

АКТИВЛАР ҚАДРСИЗЛАНИШИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11397534>

Жаримбетов Ажинияз Курбанбаевич

Тошкент давлат иқтисодиёт

университети

таянч докторанти

Аннотация: Бозор иқтисодиёти шароитида баҳоларнинг тез-тез ўзгариши жараёнларида активлар қадрсизланишини ҳисоблаш фақат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтган ташкилотлар учун эмас, балки бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартти бўйича бухгалтерия ҳисобини юритадиган ташкилотлари учун ҳам муҳим бўлиб келмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартти бўйича активлар қадрсизланишини активларни қайта баҳолашиб ёрдамида ҳисоблаш бўйича таклифлар кўрсатилган.

Калим сўзлар: активлар қадрсизланиши, қопланадиган қиймат, ҳаққоний ва фойдаланиш қийматлари, пул маблағларнинг дисконтланган кўриниши, қайта баҳолашиб

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги бухгалтерия ҳисоби соҳасида жуда кўп ўзгаришлар юз бериб келмоқда. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, давлат улуши бўлган тегишли хўжалик жамиятлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда — МХХС) асосида тайёрлаши белгилаб қуйилган. Қарорда

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига МХХСни жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб, ва МХХС ва тушунтиришлар матнини давлат тилига таржима қилиш вазифаси белгиланган. Шу вазифаларни ўринлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2022 йил 10-ноябрьда 61 рақамли буйруғи жорий қилинди. Буйруқда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва ўнга тушунтиришлар матнлари жами 62 дона иловада ўзбек тилида тан олинди. Қарорнинг 21-иловасида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 36-сон «Активларнинг қадрсизланиши» тан олинган. Илова жами 35 бет варакдан иборат бўлиб, стандартда асосан стандартни кўллаш буйича йўриқнома, стандарт мақсади, стандарт таърифлари, қадрсизланган активларни аниқлаш, қадрсизланган активларнинг ташқи ва ички манбаларин аниқлаш, қопланадиган қийматни баҳолаш, ҳисобдан чикариш сарфлари чегирилган ҳаққоний ва фойдаланиш қийматларин аниқлаш, қадрсизланишдан зарарни тан олиш, гудвил, корпоратив активлар, қадрсизланишдан зарарни қайта тиклаш ва бошқалар кўрсатилган.

Активлар қадрсизланишини оддий қилиб тушинтирасак, бу активларнинг ҳаққоний бозор қийматининг активнинг балансдаги қийматидан паст кўринишдаги фарқи. Жаҳонда йирик компаниялар активларнинг бозор баҳоларининг кескин тушиб кетиши жараёнлари 2008-2009 йиллари жаҳон молиявий инқирози пайтида жуда кўб юз берди, ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти фонди 36-сон «Активларнинг қадрсизланиши»га жуда кўп ўзгартиришлар киритишга қарор қилди. Ҳаттоқи, ҳозирги кунда ҳам мазкур стандартга ўзгартиришлар кераклигини таъкидлаб келмоқда. Активлар қадрсизланишини ҳисоблаш учун аввал активнинг фойдаланиш қийматини ва сотиш орқали қопланадиган қийматларин аниқлашимиз зарур. Ва бу қийматларнинг каттаси активнинг қопланадиган қиймати бўлиб ҳисобланади. Фойдаланиш қийматини аниқлашимиз учун мазкур активнинг фойдалиниш орқали фойдали муддатта тушадиган пул маблағларнинг дисконтланган кўриниши. Сотиш орқали қопланадиган қийматга мазкур активни сотишдан тушадиган қийматдан сотиш харажатларин чегириб ташлагандаги қийматини

тушинамиз. МХХС да молиявий активнинг қадрсизланишини 9-сонли МХХС «Молиявий инструментлар» да қўллаш кўрсатилган. 9-сонли МХХС «Молиявий инструментлар» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2022 йил 10-ноябрьда 61 рақамли буйруғининг 35 иловасида тасдиқланган. Активларнинг қадрсизланишини ҳисоблаш бўйича ҳар бир актив турига қараб, МХХСга ўтган ташкилотлар тегишли МХХСлари ва БХХСлардан фойдаланган ҳолда ҳисоблашлари мумкин.

Аммо ҳозирги қунда мамлакатимизда МХХСга ўтмаган хўжалик юритувчи субъектлар учун активлар қадрсизланишини бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида (БХМС) ҳисоблаш бухгалтерия ҳисоби муаммоларининг бири бўлиб келмоқда. БХМС бўйича активларни қадрсизланиш белгилари пайдо бўлган жараёнда, активларни қайта баҳолаш орқали амалга оширишни таклиф қиласиз. 5-сонли БХМС «Асосий воситалар» ва 7-сонли БХМС «Номоддий активлар»да активларни қайта баҳолаш бўйича 5-§ да белгиланган бўлиб, қайта баҳолаш индексация йўли билан ёки расмий тасдиқланган бозор нархлари бўйича бевосита қайтадан ҳисоб-китоб қилиш орқали қайта баҳоланади деб белгиланган. 5-сонли БХМС «Асосий воситалар» ва 7-сонли БХМС «Номоддий активлар» да активнинг қайта баҳолаш натижасида ўсиш суммаси резерв капитали таркибига «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётига олиб борилади, пасайиш суммаси бошқа операцион харажатлар счётига олиб борилади деб белгиланган.

1-Мисол, А корхонада 200 млн сумлик асосий воситасининг қандайдир сабабларга боғлик қадрсизланиши юз берди. Ва А корхона мазкур асосий воситани қайта баҳолашга қарор қилди. Асосий воситани қайта баҳолаш натижасида асосий восита баланс қиймати 170 млн сум деб белгиланди.

дт	0100	кт	дт	9430	кт
200	30 (1)		(1) 30		
170					

2-Мисол, Б корхона 200 млн сумлик асосий воситасини қандайдир сабабларга боғлик қайта баҳолашга қарор қилди. Асосий воситани қайта баҳолаш натижасида асосий восита баланс қиймати 220 млн сум деб белгиланди.

дт	0100	кт	дт	8510	кт
	200				20 (1)
	20 (1)				
	220				

Б корхона келгуси йили, мазкур асосий воситани иккинчи марта қайта баҳолашга қарор қилди. Бу йили асосий воситани қайта баҳолаш натижасида, асосий воситанинг кескин қадрсизланганлиги далилланди ва мазкур асосий восита 180 млн сум деб белгиланди.

дт	0100	кт	дт	8510	кт
	220	40 (1)		(1) 20	20
	180				
дт	9430	кт			
	(1) 20				

Хулоса қилиб айтганда МҲҲСга ўтмаган хужалик юритувчи субъектлар учун корхона активларининг қайдайдир сабабларга боғлик, қадрсизланиш белгилари пайдо бўлса, юқорида кўрсатилган мисоллар ёрдамида активларнинг қадрсизланишининг бухгалтерия ҳисобини юритишни тавсия қиласиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ” қарори. – www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 5-сонли «Асосий воситалар» миллий стандарти (БҲМС). - www.lex.uz

3. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 7-сонли «Номоддий активлар» миллий стандарти (БҲМС). - www.lex.uz

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2022 йил 10-ноябрда 61 рақамли буйруғининг 35 иловаси. - www.lex.uz

